

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 477-ҳадис

1. 477. Абу Зарр розияллоху анхудан ривоят килинади:

«Мен Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга Мадинанинг Ҳаррасида\* кетаётган эдим, Қаршимиздан уҳуд кўринди. Шунда у зот: «**Эй Абу Зарр**», дедилар. Мен: «Лаббай, эй Аллоҳнинг расули», дедим. У зот: «**Агар мана шу Уҳуд тоғидек олтиним бўлса, унинг менинг ҳузуримда уч кеча бўлса ҳам бир динор қолиши хушнуд этмайди. Фақат қарзимга тўламоғим учун етарлисими қолдириб, қолганини Аллоҳ таолонинг бандалари учун ундей ва бундай ҳамда мана бундай қилиб сарф этинглар, деган бўлар эдим», дедилар-да, ўнг ва чап ҳамда орқа томонларига ишора қилдилар, сўнгра йўлга равона бўлиб, «(Дунёни) кўпайтирувчилар **Киёматда** (савобини) камайтирувчилардир, лекин мол-дунёсини ундей ва бундай ҳамда мана бундай, яъни ўнг ва чап ҳамда орқаларидан эҳсон қилувчилар ундей эмаслар. Улар кам сонли бўлишади», дедилар, кейин: «Мен келгунимча ўрнингдан жилмай тур», деб тун коронғусида кўздан ғойиб бўлдилар. Бироздан кейин бир товушни**

эшитиб, Набий соллаллоху алайҳи васалламга бирор кор-ҳол бўлмасайди, деб қўрқиб, бормоқчи ҳам бўлдим-у, аммо «**Ўрнингдан жилмай тур**», деб айтган сўзлари ёдимга тушиб бормадим. Қайтиб келгандаридан сўнг: «Бир овозни эшитиб хавотир олдим», деб воқеани эслатдим. У зот: «**Ҳақиқатда эшитдингми?**» дедилар. Мен: «Ҳа», дедим. У зот: «**Бу Жаброил алайҳиссалом эди. Менга келиб: «Умматларингдан қайси бири Аллоҳ таолога бирор нарсани шерик қилмай вафот этса, жаннатга киради»,** деб айтди», дедилар. Шунда мен: «Агар зино ва ўғирлик қилса ҳамми?» десам, у зот: «Агар зино ва ўғирлик қилса ҳам», дедилар».

*Муттафақун алайҳ. Бу лафз Бухорийники.*

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

